

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий кўрсаткичлари
2026 йил январь-июнь ойлари учун

- I. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумот
- II. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар
- III. Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари
- IV. Кичик тадбиркорлик субъектлари транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
- V. Кичик тадбиркорлик субъектлари статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумот

2026 йил 1 июль ҳолатига кўра, фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 1236,1 мингтани ташкил этди. Шундан: кичик корхоналар ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликлари билан бирга) – 526,7 мингта, якка тартибдаги тадбиркорлар – 375,1 мингта, деҳқон хўжаликлари – 334,4 мингта, оилавий тадбиркорлар – 5,1 мингта, ҳунармандлар – 23,2 мингта ҳамда 1,1 мингтаси импорт товарлари сотувчилардан иборат.

Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони
2026 йил 1 июль ҳолатига, бирлик

	Жами	шундан:	
		кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларини қўшган ҳолда)	ЯТТ, деҳқон хўжаликлари, ҳунармандлар ва импорт товарлари сотувчилар ¹
Ўзбекистон Республикаси	1 236 126	526 659	709 467
Қорақалпоғистон Республикаси	61 229	26 155	35 074
Андижон	113 781	31 030	82 751
Бухоро	73 736	32 437	41 299
Жиззах	55 111	24 160	30 951
Қашқадарё	97 923	40 517	57 406
Навоий	42 536	22 165	20 371
Наманган	82 779	30 371	52 408
Самарқанд	118 652	48 349	70 303
Сурхондарё	73 642	28 719	44 923
Сирдарё	38 999	14 644	24 355
Тошкент	104 694	49 898	54 796
Фарғона	115 860	44 010	71 850
Хоразм	95 990	31 184	64 806
Тошкент ш.	161 194	103 020	58 174

¹ Солиқ қўмитаси маълумотлар базаси асосида шакллантирилди

**Фаолият юритаётган, юридик шахс ташкил этмаган
тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони**
2026 йил 1 июль ҳолатига, бирликда

	Жами	Якка тартиб- даги тадбир- корлик	шундан:			Деҳқон хўжаликлар
			Оилавий тадбиркорлар	Ҳунарманд- лар	Импорт товарлари сотувчилар	
Ўзбекистон Республикаси	709 467	375 071	5 053	23 163	1 065	334 396
Қорақалпоғис- тон Респ.	35 074	22 053	508	1 121	5	13 021
Андижон	82 751	31 683	135	2 113	33	51 068
Бухоро	41 299	22 383	303	1 530	20	18 916
Жиззах	30 951	14 339	65	1 032	6	16 612
Қашқадарё	57 406	27 542	234	1 547	10	29 864
Навоий	20 371	9 630	44	452	8	10 741
Наманган	52 408	27 003	39	2 048	459	25 405
Самарқанд	70 303	37 365	486	2 209	23	32 938
Сурхондарё	44 923	20 302	106	1 170	6	24 621
Сирдарё	24 355	10 286	36	462	4	14 069
Тошкент	54 796	35 173	1 038	1 830	50	19 623
Фарғона	71 850	40 259	138	2 743	33	31 591
Хоразм	64 806	18 965	499	1 919	9	45 841
Тошкент ш.	58 174	58 088	1 422	2 987	399	86

2026 йил 1-июль ҳолатига кўра, фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ҳар 1000 аҳолига нисбатан 32,2 бирликни ташкил этди. Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг энг юқори кўрсаткичи (ҳар 1000 аҳолига) Тошкент шаҳрида – 50,4 бирлик, Хоразм вилоятида – 46,3 бирлик, Сирдарё вилоятида – 41,1 бирлик ва Навоий вилоятида – 38,1 бирликка тенг бўлди.

II. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар

2026 йилнинг январь-июнь ойларида 44,0 мингта янги кичик корхона ва микрофирма (деҳқон ва фермер хўжаликларида ташқари) ташкил этилди. Бу даврда иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг энг кўпи савдо соҳасига тўғри келиб, 15 657 тани ташкил этди. Кейинги ўринларда саноат (5 450 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (5 368 та), ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари (4 115 та) қайд этилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони](#)


[Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони \(ойлик\)](#)

[Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони \(йиллик\)](#)

III. Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги ҳажми 518 667,5 млрд сўмни ташкил этди, уларнинг ЯИМ умумий ҳажмидаги улуши эса **50,5 %** га етди.


Кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги ҳажми динамикаси



2026 йилнинг январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият бўйича кичик тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги энг юқори улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – **95,4 %**, қурилишда – **76,9 %**, хизматлар соҳасида – **76,6 %** ҳамда ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – **58,2 %** ни ташкил этди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 180 297,0 млрд сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, бу умумий саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг **28,3 %** ига тенгдир. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **108,2 %** га етди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари \(хизматлари\) ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари \(хизматлари\)даги улуши](#)

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 143 867,9 млрд сўмни, яъни умумий қурилиш ишлари ҳажмининг **74,9 %** ини ташкил этди. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **112,9 %** га етди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами қурилиш ишларидаги улуши](#)

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга 225 296,9 млрд сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва уларнинг умумий ҳажмдаги улуши **66,5 %** ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **122,4 %** га етди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши](#)

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (хизматлари) ҳажми 257 149,3 млрд сўмни ёки умумий ҳажмнинг **94,9 %** ини ташкил этди. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **104,2%** га етди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан етиштирилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулоти ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларини \(хизматларини\) ишлаб чиқариш ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами қишлоқ ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларини \(хизматларини\) ишлаб чиқаришдаги улуши](#)

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо айланмаси ҳажми 202 127,1 млрд сўмни ташкил этиб, умумий ҳажмнинг **80,3 %** ига тенг бўлди. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **118,0 %** ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари чакана савдо айланмасининг ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо айланмаси ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами чакана савдо айланмасидаги улуши](#)

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 374 210,9 млрд сўмлик хизматлар кўрсатилиб (умумий ҳажмнинг **56,3 %**), бу кўрсаткич 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **115,8 %** га ўсди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг кўрсатилган хизматлари ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами кўрсатилган хизматлардаги улуши](#)

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) экспорти ҳажми 7 479,4 млн АҚШ долларини, яъни умумий экспорт ҳажмининг **47,2 %** ини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар экспорти ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот \(иш, хизмат\)лар экспорти ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами маҳсулот \(иш, хизмат\)лар экспортидаги улуши](#)

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан импорт қилинган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ҳажми 13 032,6 млн АҚШ долларини ёхуд унинг умумий ҳажмининг **51,8 %** ини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар импорти ҳажми динамикаси



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот \(иш, хизмат\)лар импорти ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами маҳсулот \(иш, хизмат\)лар импортидаги улуши](#)

IV. Кичик тадбиркорлик субъектлари транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

2026 йилнинг январь-июнь ойларида автомобиль транспортида юк ташиш умумий ҳажмининг **57,1%**и кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **112,9%** ни ташкил этди.

Кўриб чиқиладиган даврда автомобиль транспорти юк айланмаси умумий ҳажмининг **77,6 %** и кичик тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келган. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати эса **110,5 %** ни ташкил қилган.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами транспорт фаолиятларидаги улушлари динамикаси





2026 йилнинг январь-июнь ойларида автомобиль транспортида йўловчи ташиш умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши **90,9 %** ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **105,7 %** га етди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида автомобиль транспорти йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектлари улуши **95,2 %** ни ташкил қилди. Ўсиш суръати 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **105,3 %** га етди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг юк ташиш ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами юк ташишдаги улуши](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг юк айланмаси ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами юк айланмасидаги улуши](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг йўловчи ташиш ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами йўловчи ташишдаги улуши](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг йўловчи айланмаси ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами йўловчи айланмасидаги улуши](#)

V. Кичик тадбиркорлик субъектлари статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Кичик тадбиркорлик улушининг тармоқлар бўйича шакллантирилиши соҳавий бошқармаларнинг тегишли методологик қоидаларига асосан амалга оширилади.

Унга кўра, кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти иноватга олинган ҳолда жорий нархларда тақдим этилади. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳажмнинг ўзгариши нархлар индекси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Метамаълумот учун ҳаволалар:

[Корхоналар ва ташкилотлар сони – метамаълумот](#)

[Кичик бизнес кўрсаткичлари – метамаълумот](#)

[Кичик бизнеснинг тармоқлар бўйича улуши – метамаълумот](#)

